

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХАТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.

Худояров Анвар Айджанович

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми кафедраси доценти

Аннотация: Юртимизда камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ривожланишни, аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш механизмларини такомиллаштириш йўлида амалга оширилган ислохотлар жамиятнинг барча қатламларига таъсир этувчи тизимли ўзгаришларни қамраб олди. Жумладан, таълим ва илм-фан тизимидаги янгиланишлар, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инновацион тармоқларни яратиш ҳамда яшил энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш борасида сезиларли натижалар кузатилмоқда. Натижада Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги мавқеини мустаҳкамлаб, хорижий сармоядорлар учун улкан имкониятлар яратмоқда. Шунингдек, камбағалликнинг қисқариши аҳолининг ижтимоий фаоллигини кучайтириб, жамиятда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида ўрин эгалламоқда.

Калит сўзлар; иқтисодий ривожланиш, яшил энергетика, иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, хорижий сармоялар, барқарорликни таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, камбағалликга қарши кураш, модернизация, стратегик тараққиёт, инновацион тармоқлар.

СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ И ЭФФЕКТИВНОСТЬ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ В УЗБЕКИСТАНЕ.

Худояров Анвар Айджанович

Доцент кафедры исламской экономики и финансов, паломнического
туризма, Международная академия исламоведения Узбекистана

Аннотация: Реформы, реализуемые в нашей стране по сокращению бедности, совершенствованию механизмов экономического развития и социальной поддержки населения, включают системные изменения, затрагивающие все слои общества. В частности, значительные результаты наблюдаются в сфере образования и науки, поддержке малого бизнеса и предпринимательства, создании инновационных секторов, модернизации зеленой энергетике и транспортной инфраструктуры. В результате

Узбекистан укрепляет свои позиции в международных рейтингах и создает большие возможности для иностранных инвесторов. Кроме того, сокращение бедности становится важным фактором усиления социальной активности населения и обеспечения стабильности в обществе.

Ключевые слова: экономическое развитие, зеленая энергетика, экономические и социальные реформы, иностранные инвестиции, обеспечение стабильности, малый бизнес и предпринимательство, борьба с бедностью, модернизация, стратегическое развитие, инновационные секторы.

POVERTY REDUCTION AND THE EFFECTIVENESS OF SOCIO-ECONOMIC REFORMS IN UZBEKISTAN.

Khudoyarov Anvar Aidzhanovich

Associate Professor of the Department of Islamic Economics and Finance,
Pilgrimage Tourism, International Academy of Islamic Studies of Uzbekistan

Abstract: The reforms implemented in our country to reduce poverty and improve economic development and social support mechanisms for the population have included systemic changes affecting all segments of society. In particular, significant results are being observed in the field of education and science, support for small business and entrepreneurship, the creation of innovative sectors, and the modernization of green energy and transport infrastructure. As a result, Uzbekistan is strengthening its position in international rankings and creating great opportunities for foreign investors. In addition, poverty reduction is becoming an important factor in strengthening the social activity of the population and ensuring stability in society.

Keywords; economic development, green energy, economic and social reforms, foreign investments, ensuring stability, small business and entrepreneurship, combating poverty, modernization, strategic development, innovative sectors.

Бугунги кунда камбағаллик муаммоси нафақат алоҳида мамлакатларнинг, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, камбағаллик инсоннинг энг асосий ҳуқуқлари – муносиб ҳаёт кечириш, таълим олиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш ва меҳнат қилиш имкониятларини чеклайди. Шу сабабдан ҳам камбағалликка қарши кураш ва уни қисқартириш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Барқарор

ривожланиш мақсадларининг (SDG) биринчи йўналиши сифатида белгиланган¹.

Глобал миқёсда Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги ютуқлари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Камбағалликни қисқартириш орқали мамлакат минтақада барқарор иқтисодий ўсишга ҳисса қўшмоқда ва халқаро ҳамкорликнинг ишончли ҳамкорига айланмоқда. Бу жараён Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги мавқеини мустаҳкамлаб, хорижий сармоядорлар учун қулай муҳит яратмоқда. Шунингдек, камбағалликнинг қисқариши аҳолининг ижтимоий фаоллигини кучайтириб, жамиятда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий натижаларидан бири бу камбағаллик даражасининг кескин қисқаришидир. Агар 2017 йилда мамлакат аҳолиси орасида камбағаллик даражаси 35 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 6,6 фоизгача туширилди². Ушбу кўрсаткич нафақат оддий статистика, балки кенг қўлламли ислохотларнинг, тўғри танланган стратегия ва қатъиятли сиёсатнинг амалий натижасидир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай қисқа муддат ичида камбағалликни деярли 5 бараварга камайтириш кўплаб ривожланаётган давлатлар учун жуда катта ютуқ ҳисобланади.

Минтақавий миқёсда назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида камбағаллик даражаси турлича бўлиб, айрим мамлакатларда бу кўрсаткич ҳали ҳам нисбатан юқори даражада сақланиб қолмоқда. Масалан, Жаҳон банки ва БМТ маълумотларига кўра, айрим қўшни мамлакатларда камбағаллик даражаси 12-15 фоиз атрофида бўлса, ривожланаётган минтақаларда бу кўрсаткич 20-25 фоизни ташкил этади³. Шундай экан, Ўзбекистоннинг 6,6 фоизлик натижага эришгани минтақа бўйича етакчи кўрсаткичлардан бири сифатида эътироф этилиши мумкин.

Камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлида амалга оширилган ислохотлар жамиятнинг барча қатламларига таъсир этувчи тизимли ўзгаришларни қамраб олди. Энг аввало, таълим ва илм-фан тизимидаги янгиланишлар, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инновацион тармоқларни яратиш ҳамда яшил энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш борасида сезиларли натижалар қайд этилди.

¹ The 17 Goals | Sustainable Development (UN) — <https://sdgs.un>

² O'zbekiston Respublikasi Prezidenti. (2025, 23-sentabr). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasining 80-yubiley sessiyasidagi nutqi. <https://president.uz/uz/lists/view/8525>

³ World Bank. (2022, October 17). *Defying global turmoil, poverty rates fall across Central Asia*. World Bank Press Release. Retrieved from <https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2022/10/17/defying-global-turmoil-poverty-rates-fall-across-central-asia>

Таълим соҳасидаги туб ўзгаришлар камбағалликка қарши курашда асосий омил бўлди. Мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга етказилди, олий таълимда эса бу кўрсаткич 9 фоиздан 42 фоизгача ошди⁴. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлоднинг билим ва малакасини ошириб, меҳнат бозорига тайёр мутахассисларни етказиб беришга хизмат қилмоқда. Илм-фан соҳасида янги илмий марказлар, технопарклар ва тадқиқот лабораториялари ташкил этилиб, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастурлар жорий қилинди. Натижада, таълим ва илм-фан соҳаси камбағалликни қисқартиришнинг узоқ муддатли кафолатига айланди.

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида ўрин эгалламоқда. Охирги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилди: солиқ имтиёзлари, кредит ва грант дастурлари йўлга қўйилди, рухсатномалар ва лицензиялаш тартиб-таомиллари соддалаштирилди. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, минглаб оилалар ўз бизнесини йўлга қўйиш имконига эга бўлди. Натижада миллионлаб иш ўринлари яратилди ва кўплаб оилаларнинг даромад манбалари кенгайди.

Ўзбекистонда янги иқтисодий модель сифатида инновацион тармоқларни ривожлантиришга катта урғу берилмоқда. Ахборот технологиялари, биотехнология, электрон саноат, фармацевтика каби замонавий тармоқларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Рақамли иқтисодиёт концепцияси асосида давлат хизматларининг электронлаштирилиши, электрон савдо ва электрон тўлов тизимларининг кенгайиши аҳолининг ҳаётини енгиллаштирмоқда. Бу эса замонавий иш ўринларини яратиб, ёшларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишларидан яна бири – бу яшил энергетика⁵. Ўзбекистонда кўёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада, энергия манбаларини диверсификация қилиш ва экологик мувозанатни сақлаш имконияти кенгаймоқда. Шу билан бирга, транспорт инфратузилмаси ҳам изчил модернизация қилинмоқда: темир йўл ва автомобил йўллари янгиланмоқда, метро ва шаҳар транспортида экологик тоза воситалар (электробуслар) жорий этилмоқда. Бу ислохотлар нафақат иқтисодий самарадорликни оширмоқда, балки аҳолининг кундалик ҳаёт сифатини ҳам яхшиламоқда.

⁴ Xalq Ta'limi Info. (2025-yil 28-iyul). Oliy ta'lim qamrovi 2017-yildagi 9 foizdan 2025-yilda 42 foizga oshdi. Manba: <https://xalqtaliminfo.uz/en/post/1264>

⁵ Расулова, Дилфуза Валиевна. "Иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделидан "яшил иқтисодиёт" га ўтиш." *USA-scientific review of the problems and prospects of modern science and education* 1.3 (2025): 118-124.

Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида камбағаллик даражаси кескин камайди ва иқтисодийнинг барқарор ривожланиши таъминланди. Бу жараён нафақат статистик кўрсаткичларда, балки аҳолининг кундалик ҳаётида ҳам яққол сезилмоқда.

Ислохотларнинг энг муҳим натижаларидан бири – бу янги иш ўринларининг очилиши бўлди. Кичик бизнесни ривожлантириш, инновацион тармоқларни яратиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва инфратузилмани янгилаш орқали мамлакатда миллионлаб фуқаролар доимий даромад манбаига эга бўлдилар. Янги иш ўринлари ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар фаоллигини ошириш ҳамда чекка ҳудудларда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Даромад манбаларининг кенгайиши ва давлат томонидан берилаётган қўллаб-қувватлаш дастурлари натижасида оилаларнинг моддий аҳволи сезиларли даражада яхшиланди. Камбағалликнинг қисқариши аҳолининг таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди. Бугунги кунда қўллаб оилалар фарзандларини олий таълимгача етказиш, сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш ва замонавий турмуш тарзини шакллантириш имконига эга бўлмоқда.

Камбағалликнинг қисқариши натижасида жамиятда ижтимоий тенглик тамойиллари кучайди. Давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати аҳолининг энг заиф қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани боис, ижтимоий адолатнинг янги механизмлари шаклланимоқда. Бу эса жамиятда барқарорлик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаб, фуқароларнинг давлат сиёсатига бўлган ишончини янада оширмоқда.

Умуман олганда, амалга оширилган ислохотларнинг натижалари иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосий кафолатига айланди. Ўзбекистон бугун ўз тажрибаси билан нафақат минтақада, балки халқаро миқёсда ҳам камбағалликка қарши самарали курашнинг ёрқин намунасини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – бу инновацион тармоқларни шакллантириш ва замонавий технологияларни жорий этиш бўлди. Чунки бугунги глобал иқтисодий шароитида рақобатбардошликнинг асосий мезони – бу инновациялар ва янги ғояларни амалиётга жорий этишдир. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ҳам доимий равишда рақамли иқтисодий, инновацион ишлаб чиқариш ва илм-фанга асосланган тараққиёт масалаларига алоҳида урғу берди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатда камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун саноатни диверсификация қилиш ва замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Йирик саноат зоналари ва эркин иқтисодий ҳудудларда янги инновацион корхоналар ташкил этилди.

Электроника, фармацевтика, кимё, автомобилсозлик ва қурилиш материаллари соҳаларида рақамли технологияларга асосланган ишлаб чиқариш жараёнлари йўлга қўйилди. Масалан, фармацевтика саноатида халқаро стандартларга мос дори-дармон ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бу нафақат импорт ўрнини босди, балки экспорт имкониятларини ҳам кенгайтди. Инновацион корхоналарнинг кўпайиши эса юқори малакали кадрлар бандлигини таъминлади ва янги иш ўринлари яратди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг иқтисодий модернизацияси жараёнида янги технологияларни жорий этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор технологияларни қўллаш натижасида самарадорлик кескин ошди. Масалан, қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологиялар, иссиқхона хўжаликлари ва агрокластер тизими жорий қилиниши натижасида нафақат маҳсулот сифати, балки фермерларнинг даромади ҳам ортди. Шунингдек, энергетикада қуёш ва шамол станцияларининг барпо этилиши янги авлод технологияларининг кенг татбиқ этилаётганидан далолат беради. Бу ислохотлар нафақат иқтисодий самарадорликни, балки экологик барқарорликни ҳам таъминламоқда.

Бундан ташқари, рақамли иқтисодиёт Ўзбекистон тараққиётининг янги драйверига айланди. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида давлат хизматлари босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилмоқда. Бугунги кунда аҳолининг катта қисми солиқ, божхона, банк ва бошқа муҳим хизматлардан онлайн тарзда фойдаланмоқда. Электрон савдо платформалари ва электрон тўлов тизимларининг кенгайиши нафақат бизнес юритишни енгиллаштирмоқда, балки истеъмолчиларга ҳам қулайлик яратмоқда. Шунингдек, IT-парклар фаолияти ёшларнинг стартапларини ривожлантириш ва халқаро бозорга чиқиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши натижасида хизматлар соҳаси ҳажми ортиб, ялпи ички маҳсулот таркибида инновацион секторнинг улуши тобора ошмоқда.

Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиётга эришишга катта эътибор қаратмоқда. Чунки экологик хавфсизликни таъминламасдан иқтисодий

ўсишни давом эттириш имконсиз. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда яшил энергетика ва транспорт модернизацияси устувор йўналишлардан бирига айланди.

Яшил иқтисодиёт концепцияси асосида қуёш ва шамол электр станциялари, гидроэнергетика лойиҳалари ва биогаз ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши йўлга қўйилди. Бу нафақат энергия ресурсларини диверсификация қилишга, балки карбонат ангидрид чиқиндиларини камайитиришга ҳам хизмат қилмоқда. Транспорт тизимида эса экологик тоза автобуслар ва электромобилларни жорий этиш жараёни босқичма-босқич кенгаймоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида электробуслар қатнови йўлга қўйилиб, жамоат транспортида энергия тежамкор технологияларга ўтиш бошланган.

Яшил энергетиканинг ривожланиши мамлакатнинг барқарор иқтисодиётга ўтишига замин яратмоқда. Анъанавий ёқилғи ресурсларига қарамлик камайиб, энергия ишлаб чиқаришда маҳаллий ва қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш кенгаймоқда. Бу эса нафақат экологик, балки иқтисодий хавфсизликни ҳам мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, халқаро бозорларда “яшил сертификат” талабларининг ортиб бориши Ўзбекистон маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини оширади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобланади. У нафақат иқтисодий ўсишни таъминлайди, балки жамиятда ижтимоий барқарорлик ва оилавий фаровонликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Кичик бизнес янги иш ўринлари яратишда етакчи ўрин тутди. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатда банд аҳолининг ярмидан ортиғи айнан ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Савдо, хизмат кўрсатиш, хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида кичик корхоналар фаолиятининг кенгайиши нафақат ишсизлик муаммосини камайтиради, балки аҳолининг меҳнат фаолиятини рағбатлантиради. Шу билан бирга, тадбиркорликнинг ривожланиши маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш ва ҳудудий иқтисодий тенгликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, кичик бизнес оилаларнинг даромадини оширишда энг муҳим омиллардан биридир. Ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган фуқаролар молиявий мустақилликка эришади, фаровонлик даражаси ортади. Айниқса, аёллар ва ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиниши оилавий бюджетни мустаҳкамлайди, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширади.

Бугунги кунда камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ривожланиш Ўзбекистон сиёсатининг асосий йўналишига айланиб улгурган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш давлатимизнинг устувор вазифасидир. Сўнгги йилларда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартириш, таълим тизими қамровини кенгайтириш, инновацион саноатни ривожлантириш, “яшил” энергетика ва замонавий транспорт инфратузилмасини барпо этиш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали миллионлаб иш ўринлари яратилди. Бу натижалар Ўзбекистоннинг нафақат миллий миқёсда, балки глобал даражада ҳам барқарор ривожланишга эришиш йўлида қатъий интилаётганини кўрсатади.

Келгусида амалга ошириладиган ислохотлар янада кенг қамровли бўлиб, иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси, экологик хавфсизликни таъминлаш, халқаро инвестицияларни жалб қилиш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу эса мамлакатимизни минтақада тараққиёт марказига айлантириш, ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳамда Ўзбекистонни барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда етакчи давлатлар қаторига олиб чиқишга асос бўлади. Изчил амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар Янги Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт йўлида муҳим таянчга айланиб, келажак авлодларга янада фаровон, адолатли ва барқарор ҳаётни тақдим этади.

Келгусида иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси, экологик хавфсизликни таъминлаш, халқаро инвестицияларни жалб қилиш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистон минтақада тараққиёт марказига айланиши кутилмоқда. Шу тариқа, ислохотлар иқтисодий ривожланишнинг муҳим таянчи бўлиб, келажак авлодларга фаровон ва барқарор ҳаётни тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2025, 23-сентябрь). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8525>

2. Расулова, Дилфуза Валиевна. "Иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделидан “яшил иқтисодиёт” га ўтиш." *USA-scientific review of the problems and prospects of modern science and education* 1.3 (2025): 118-124.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21.07.2023 йилдаги ПФ-111-сон.

4. Очилов Б., Ҳошимов Ж., Бутаев Ж. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда мамлакат инвестицион жозибадорлиги: назария ва амалиёт, монография. – Т.: Илм-маърифат, 2024. Б. 164.

5.Худояров А.А. Ўзбекистоннинг шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан инвестициявий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг самарадорлиги. Монография.Т. “IMRESS MEDIA” 2025. Б.77.